

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Халқаро музейлар кунига бағишланган китоб-расмли кўргазма очилди

20 мая 2015



Мазкур китоб-расмли кўргазмадан ташриф буюрувчиларни машҳур бадиий галереялар ва дунё музейлари билан таништирувчи китоблар, журналлар, рисолалар ва фотосуратлар ўрин олган.

Шунингдек, бу ерда очиқ осмон остидаги музейлар, шаҳар-музейлар ва замонавий музейларнинг имкониятлари тўғрисида маълумот жамланган. “Ўзбекистон обидалари. Дурдона битиклар”, “100 великих музеев мира”, “Музей под открытым небом”, “100 великих дворцов мира”, “Голландская жанровая живопись XVII века в собрании Государственного эрмитажа”, “Ўзбекистон давлат санъат музейи ноёб хазинасидан”, “Фаргона вилоят ўлкашунослик музейи”, “Самарқанд музейи дурдоналари”, “Бухоро давлат архитектура-бадиий музейи ва қўриқхонаси”, “Шохи-зинда” китоблари, “Мир музея” ва “Музей” махсус журналлари саҳифаларида фойдаланувчилар музейлар экспонатлари-тарихий ёдгорликлар, амалий санъат намуналари, турли асрларга доир меъморий обидалар, моддий ва маънавий маданий мерос, шунингдек, баъзи музейларнинг бугунги кундаги фаолияти билан танишадилар. Бу ҳақда кутубхона ахборот хизмати [хабар беради](#).